



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI JARQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jarqo'rg'on tumani, O'zbekiston ko'chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94, jarqurgon.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

20 21-yil " 12 " fevral

Q-115 -son

Jarqo'rg'on t.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
томонидан жойлаштириладиган маблағлар ҳисобидан
ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 5 февралдаги
56-сон қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил
9 февралдаги Қ-77-сонли қарори ижросини
таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити
механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ва “Аҳолининг
уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада
кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 1 майдаги
ПҚ-4701-сон қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 9- февралдаги
Қ-77-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган маблағлар
ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми
тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарори ҳамда Сурхондарё
вилоят ҳокимининг 2021 йил 9 февралдаги Қ-77-сонли қарори раҳбарлик ва
ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил
12 сентябрдаги 712-сон қарори тўғрисида” 2017 йил 1 ноябрдаги Қ-1157-сон
қарори иловасининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари А.Рахматов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Б.Ўрақов